

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: xalksuzi@uzpak.uz • 2003 йил 15 август, №166 (3278)

Жума



Олий Мажлис
сессияси олдидан

ХАВФСИЗЛИК КАФОЛАТИ

Мамлакатимизда мудофаа қобилиятини шакллантириш, профессионал армияга эга бўлиш йўлида қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг сарф-хароқатлари асосида бу борада катта ўзгаришлар бўлаётганини кўриб турибмиз. Айниқса, хизмат муддатининг 18 ойдан 12 ойга қисқартирилиши, армия ёшидаги йигитлар учун сафарбарлик резерви хизматининг йўлга қўйилиши, нафақат ёш ўғлонларни, балки барча юрдошларимизни бирдек қувонтирди.

Хўш, шундай экан, Олий Мажлисининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзолари иккинчи сессияси оралигида қандай ишлар билан машғул бўлишди? Қўмита раиси Ахтам ТУРСУНОВ билан суҳбатимиз шу хусусда бўлди.

иштирокида "Хавфсизлик ва барқарорлик" мавзусида анжуман ўтказилди. Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультети битирувчи курсантларига ҳарбий ўнвон ва диплом топириш маросимида қатнашганимизда, бўлгуси ҳарбийлар билан дилдан суҳбатлашиб, уларнинг Ватанга содиқ ўғлон бўлиб хизмат қилиши хусусидаги фикрларини, халқимиз осойишталиги йўлида ўз билим ва маҳоратларини аямасликка тайёр эканликларини эшитиб хурсанд бўлдим. Урни келганда шунини айтишим керакки, ёшлар ҳарбий хизматга яхши муносабатда бўлмоқдалар. Бунга биз учрашуларда бот-бот гувоҳ бўлаяпмиз. Албатта, бу қабул қилинаётган қонунларнинг ҳаётийлиги, уларда халқ қалбидagi истаклар ўз ифодасини топаётгани билан боғлиқдир.

— Ахтам Саломович, кейинги бир-икки йил ичида мамлакатимиз армия тизимида нисбатан улкан ўзгаришлар рўй берди. Бу эса фуқароларимизнинг маънэв жараёнга бўлган қизиқиниш ортираётди. Сўзламоқчи бўлганимиз, Сиз раҳбарлик қилаётган қўмитага фуқаролардан келаятган муносабатлар қай тарзда ўрганиб чиқилмоқда?

— Дарҳақиқат, қўмитамизга фуқаролар томонидан қўлаб ёзма ва оғзак муносабатлар келиб турибди. Утган вақт мобайнида биз улардан 14 тасини умумлаштириб, урғага ташланган масалаларни ҳал қилиш чораларини кўрамиз. Жойлардаги учрашуларда ҳам фуқаролардан шундай муносабатлар тушиб турибди. Биз имкон қадар уларнинг талаб-эҳтиёжларини қондиришга интилаяпмиз.

Хозирги кунда қўмитамиз аъзолари тез-тез ўз сайловчилари билан учрашувлар ўтказиб, уларни парламентимиз фаолияти, қабул қилинаётган қонунларнинг аҳамияти, шунингдек, Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси муҳокамага киритилаётган қонунлар лойиҳалари билан таништирмоқдалар.

«Халқ сўзи» мухбири Мақсуд ЖОНИХОНОВ сўз олди.



Ишлагани билган яшашни ҳам билиши керак. Бу Тошкент туманидаги Оқунбобоев ширкат хўжалиги ижроачиси Носир Нуртбоевнинг кундалик иши. У оила аъзолари билан тасарруфидagi 4 гектар ерда деҳқончилик қилади. Ҳар йили тонна-тонналаб савбозот етиштириб, шаҳарликлар дастурхонини тўлдирди. Бу эса, нафақат оила турмуши фаровонлигини оширади, балки яхши яшаш учун имконият ҳам ярадади.

Ўзбек маҳалласининг довуғи

«Обод маҳалла йили» дас-тури доирасида амалга оширилаётган тадбирлар қўламин кенгайиб бормоқда. Ана шу сарф-хароқатлар тасвирида амалий санъат асарларида ҳам ўз ифодасини топаётди. Бу борадаги ижодий изланишларнинг энг яхши намуналари Ўзбекистон Бадий академияси томонидан

Республика Хотин-қизлар қўмитасида БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси — UNFPA билан ҳамкорликда «Ўзбекистоннинг репродуктив саломатлигини ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш»га бағишланган кўнама лойиҳаси тақдироти бўлиб ўтди. Мазкур лойиҳанинг асосий мақсади, «Ўзбекистон, ҳуусан, ўмир қизларнинг репродуктив хуқуқлари ва репродуктив саломатлигини ҳимоя этиш, ах-

А.АЛИЕВ.

Аёл соғлом юртининг фарзандлари баркамол бўлади

борот олиш доираларини кенгайтириш, уларно ишонч асосидаги дустона ёндашув хизматларида фойдаланишни кенгайтиришдан иборат. Лойиҳада кўзга тутилган мақсад-вазифаларни амалга оширишда хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари, маҳалла фаолилари, шунингдек, нодавлат ва ношароит ташкилотларнинг ҳам ўрни сезилмоғи керак. Лойиҳа тақдироти маросимида республика Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитасининг раиси Д. Фулмова, Олий Мажлисининг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси М. Сафонова, UNFPA вакили Нелсон Тункавалар сўзга чиқди. Мажидуа ХОЛМАТОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

ИМКОНИАТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ

НАМАНГАН (ЎЗА мухбири Наҳом РАЗЗОҚОВ). Фермер хўжалиқлари — қишлоқ хўжалиги таракқиётининг бош омилли. Мамлакатимизда фермер хўжалиқларини ривожлантириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар изчил давом этмоқда. Бу йил Наманган вилоятида етиштирилган галланга 18 фоизини фермер хўжалиқлари етказиб берди. Вилоят ҳокимлигида фермер хўжалиқлари раҳбарлари билан бўлиб ўтган

қонлар ҳам фермер хўжалиқларининг мардонвор меҳнатига катта умид билан қарамоқда. Вилоятда фермер хўжалиқлари етиштириётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари салмоғи йилдан-йилга охиб бораётди. Уларнинг фаолияти янада самарали бўлиши учун тобора кенг имкониятлар яратилмоқда. Мулоқот давомида вилоят деҳқонлари ва йирик фермер хўжалиқлари раҳбарлари ўз имкониятлари ва мавжуд муаммолар ҳақида сўз юритди. Муаммо ва камчиликларни тезла ҳал этиш йўллари белгилаб олинди. Учрашувада Бош вазир ўринбосари Р.Азимов, Наманган вилояти ҳокими Т.Жабборов иштирок этди.

Пойтахтимизда Буюк Ипак йўлларида

Япониялик сайёҳларнинг Буюк Ипак йўли бўйлаб ўзининг бор велосипедлар билан қилаётган саҳафлари юртимиздан бошланди. Улар Бухоро — Хива — Нукус йўналишлари бўйлаб, қарийб 1000 километрлик масофани босиб ўтадилар. Этноборли томонини шунақаки, сайёҳлар савҳат давомида юртимизнинг муқаддас қадимжолари, тарихий обидалари билан танишдилар. Турли қабс эгаларидан иборат сайёҳлар кеча пойтахтимизда бўлишиб, Тошкент давлат шарқшунослик институтига ўзлари келтирган япон тилидаги дарслик ва адабиётларни топширди. Шунингдек, улар Риштон туманидаги япон тили чуқур ўргатилган мактабга япон халқ эрталоқларида чизилган расмлар, япон болалари ясаган турли уйинчорлар билан дарслар ҳам тақдим этишди. Аяни пайтда велосипедли сайёҳлар Бухоро — Хива — Нукус оралиги бўйлаб еайёҳатни давом эттиришмоқда.

Жойлардан хабарлар

Яна бир академик лицей
Андижон Давлат университети талабаларининг издоголари ҳадемай мухташам ўқув биносига эга бўлади.
Академик лицейнинг ўқув биноси тикланиб бўлибди ва пардозлаш ишлари бошлаб юборилди. Андижондаги 1-курлиш бошқармаси жамоваси ишни кечяо кундуз ташкил этган. Шундай қилиб, олий ўқув юртлири қишдаги академик лицейлар сони яна биттага кўпайди.
О. ШОДМОНАЛИЕВ.

Дилтортар мулоқотлар
Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 12 йиллиги олдидан пойтахтда бир гуруҳ ижодкорлар Қашқадарь вилотидаги ташриф буюришди. Улар орасида Ўзбекистон Қахрамо-

Сурам Ватанига қайтди
Нидерландия қироллигининг Россиядаги элчихонаси ходими Тимен Коувернар Бухоро давлат музей-қўриқхонасига Бухоронинг сўнгги амири Саид Олимхоннинг рангли суратини топширди. Бу Бухоро амирининг қилич таққан ҳолда байрамона либосида тушган ягона рангли суратидир. Ушбу фотосурат муаллифи Сергей Прокудин — Горскийдир.
«Туркистон-пресс».



СУРАТЛАРДА: тележурналист Зулхумор Солмова япониялик сайёҳлардан интервью олмақда; бу йўллар кўп қайим йўллардир. Нўмоянжон МҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

Газетамизнинг шу йил 6 июнь сонида Сирғани тумани, 1-мавзе, 31-уй фуқаролари йўлдаган шикоят хати «Файзли хонадон» шуми? сарлаҳаси остида чоп этилган эди. Унда маъмур уй қувурлари чириб, ертўласи суғна тўлганлиги, оқибатда электр симлариди қисқа туташув юзага келиб, кунлаб қироқ бўямаслиги, лифтининг ҳафралаб, баъзан ойлаб ишламаслиги хусусида баён этилганди. Бу шикоят хати юзасидан дастлаб Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси директорининг биринчи ўрин-

«Халқ сўзи» назоратида

Камчиликлар бартараф этилади

босари Қ.ФАРМОНОВ имзоси билан расмий жавоб олдик. Унда айтилишича, унинг ертўласи дезинфекция қилинган. Машина бўлиминдаги жиҳозларнинг талон-тороқ этилганлиги сабабли ишламаётган лифтлар, қувурлар таъмирланганди. Чиқиндилар ўз вақтида олиб кетиладди. Кейинги расмий жавоб Тошкент шаҳар, Сергели тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.ИМОМАЛИ-

ЕВдан келди. Унда, жумладан, шундай дейилди: «Мақолада келтирилган камчиликлар қисман бартараф этилди. Йўлларга ойна қўйиш, томин таъмирлаш ишлари режа асосида амалга оширилади».

Ўзбек зиёлиси ИЗИНГДАН ДАРЁЛАР ЭРГАШСА...

Зиё — олов дегани. Олов нурдан минг қарра зиёда. Олов милтиқламайди. Олов тутамайди. У ёни туради. Зиёли одам деганда мен ана шундай — олов бўлиб ёниб турадиган одамни кўз олдимга келтираман. Бир оловки, унча-мунчага қўрлари совиб, қўлга айланмайди. Унча-мунчага шовқини шамоллардан ранги ўчмайди. Бир оловки, тафтидан одамлар баҳра оладилар. Ҳароратидан қалбларида малҳам, куч-қувват, меҳру салоқат туядилар. Гуллар, дараклар алангага — оловга ўшаб ўсадилар. Гулни ҳам, оловни ҳам яннаталаган куч афтрлари девору шох-шаббалар билан ўсимлаган кенглик. Эркин майдон. Беминнат шабада. Айтмоқчимизки, мустақиллигимиз асрий армонларининг занжирларини ечиб ташлади. Бўғимиз узра тутаб, бурқсиб турган орзу-умидларимизга қанот ато этди. Қул, чўри, итотатўй малай, берсанг — ейман, урсанг — ўламан, дегувчи танбал, эмас, зиёли бўлиб яша, одам бўлиб яша, деди. Эласангиз, шўролар даврида фақат диплом бор одам, лавозимдор-мансабдор одам, пулдор одам зиёли деб саналарди. Қолганлар ишчи-деҳқон эди. Шунчаки меҳнаткаш эди. Газеталар амалдорни «хурматли ўртоқ» деб улуғлаб ёзса, меҳнаткашга оғдий ишчи, оғдий деҳқонлигини эслаб турширарди. Энди уйлган: икки кўзи беморнинг шалвираб қолган чўнтагига қаллаган шифокорнинг зиёли одам деб бўладими? Боғча боласининг ризқига кўз олайтирган мудирини ё ҳақ таълими бўлими ходимини-чи? Эс-хуши ширкатнинг мулкни ўмарийида бўлган раисни ё ел-

ЎЗЛАЛАР ЎЛДИ, ЯШАСИН ШОЛИ!

ёки ҳеч кимга тавсия қилиб бўлмайдиган ташаббус ҳақида

Авал жанжал тарихига бир назар солайлик. Боёвут туманидаги Турсунбой Латипов номли ширкат ҳақидаги Исқандар, Сарми ва «марказ» аталмиш уч қишлоқдан иборат. Биз қуйида ҳикоя қиладиган жанжалга сармиликлар сабаб бўлишган. Бундан икки йил муқаддам ана шу қишлоқнинг бир гуруҳ деҳқонлари ўзлари ишлаётган оилавий пудрат далаларини фермер хўжалигига айлантириш тўғрисида туман ҳокимиятига ариза беришди. Ариза натижасини билиш учун улар туман марказига кўп қатнадилар. Аммо орадан кўп ўтмай деҳқонлар ишлаётган ерининг бир қисми хўжалик зоотехнига, бошқа қисми эса Тошкент вилоти Бекобод туманининг Хос қишлоғида яшовчи Фозилжон Бўтабоев исмли йигитга туман ҳокимининг қарори билан фермер хўжалиги қилиб ажратиб берилди. Э-э-э, чоп-чоп бошланди. Нисони Боёвут тумани ва вилот фуқаролик суди қўриб чиқди. Давлолати қисман қаноатлантирилган оилавий пудратчилар охири-оқибат барибир ердан қуруқ қолди. Жанжал шундан сўнг бироқ пасайган-дек бўлди. Фозилжон Бўтабоев раҳбарлик қилаётган «Харсанг» фермер хўжалиги ана шу тариқа дунёга келди. Кимлар эндиликда оилавий пудрат аъзоларининг жиҳдий эътиролари бўлмаса, янги фермер қотириб ишлаётган бўлса керак-да дейиши мумкин. Бундай дейишга уларнинг омиққўми ҳаққи бор. Бироқ кўп ўтмай «Харсанг» чиндан ҳам қўзғалайдиган тош эканлигини маълум бўлиб қолди. Фозилжон Бўтабоев далага ойда бир келса келар, келмаса этатини сира тутқазмасди.

(Давоми 2-бетда).

ЯНГИ МАСКАН

Тошкент — пойтахт вилоятининг пешкадам туманларидан ҳисобланади. Сўнгги йилларда туман киёфаси ўзгача чирой очди. Кўчалар кенгайтирилиб, обод гузарлар қад ростлади. Яқинда тумандаги Охунбобоев номли ширкат ҳўжалиги худудиди мактаб, боғча биноси қурилди. Мазкур ҳўжаликда қурилган туғуруқхонанинг янги биноси эса ёш оналарга чинакам совға бўлди. Ушбу шифо маскани 130 ўринга мўлжалланган бўлиб, ёш оналар ва болалар учун барча шароитлар мўжайё.

СУРАТДА: олий тоифали шифокор Гулчехра Хўсанбоева ва бош шифокор Муқаддас Қодировадор.

Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.



Мукофот бозорда сотилмайди

Яқин кунларда мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллиги нишонланади. Бу давр мобайнида юртимизда барча соҳаларда ислоҳотлар олиб борилиб, мислсиз ютуқларга эришилди. Айниқса, ёшларга эътибор ниҳоятда кучайди. Буни мамлакатимизда бунёд этилаётган кўплаб мактаб бинолари, лицей ва коллежлар ва спорт иншоотлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Уларнинг моддий базаси кундан-кунга мустаҳкамланмоқда, ўқитиш замонавий усулларда олиб борилаётган.

Хаёт сўқмоқларнинг паст-баландлиги энди-энди ўрганилмоқда. Хаётда қувончли кунлар билан бирга ёшларнинг кўпчилиги ўқиб, ўйнаб, маш-машлар ҳам бўлар экан. Яқинда қизик воқеа бўлди. Олатдаги лек, трамвайга чиқиб ўқишга кетаётган эдим. Бир пайт башанг кийинган бир аёл мендан қаерда ўқишимни ва ўқишга неча балл билан кирганлигимни сориш-

Эҳтимол, эски тузумда шундай ҳўлар рўй бергандир. Аммо биз бугун адолат устувор бўлган ёш, мустақил давлатга ўқиб, ўйнаб, маш-машлар ҳам бўлар экан. Яқинда қизик воқеа бўлди. Олатдаги лек, трамвайга чиқиб ўқишга кетаётган эдим. Бир пайт башанг кийинган бир аёл мендан қаерда ўқишимни ва ўқишга неча балл билан кирганлигимни сориш-

Тахририятга мактуб

тирди. Мен Зулфия мукофоти совриндори бўлганлигим учун тест синовларисиз талабалikka қўбул қилинганини айтдим. Шунда у қўбулмаганда: "Мукофотни нечи пулга сотиб олдингиз?" деди. Оранинг бу саволидан қанчалик ҳайратга тушган бўлсам, у шунчалик бамайлихотир эди. Мен бу мукофотнинг пулга сотилмаслигини, истеълодларига берилишини айтганимда бепасанд оҳанда "ишонмайман", деди. Унинг бу сўзи менга қаттиқ таъсир қилди. Наҳотки зиёли, замонавий аёллардан шундай фикрлар чиқса?

Ф.ЖУМАТОВА, талаба.

фўтбол

Бугун «Пахтакор» марказий стадионда фўтбол бўйича Ўзбекистон кубогининг 11-голиби номи аниқланади. Мазлумки, финалда Тошкентнинг «Пахтакор» ҳамда Қаршининг «Насаф» жамоалари майдонга тушадилар.

Кубок кимга насиб этади?

Кетишади. Шу боисми, мутахассис муҳлисларнинг ақсарияти «Пахтакор»нинг зафар кучини ишон билан қарашмоқда. Бундан ташқари, «Пахтакор»нинг ўз уйида тўп суриши, кубокни қўлга киритиши учун яқингина имконият деб қаралмоқда. Албатта, бу ўринда фўтбол ишқибозларининг қўллаб-қувватлашлари пойтахтликларга қўл келиши назарда тутилаётганини аниқ. Бироқ рақиб жамоа «Насаф»нинг имкониятлари ҳам чакки эмас.

Каришликлар, мана, тўрт йиллиркий, ҳеч бўлмаганда, ярим финалгача етиб келишмоқда. Бу йилги мавсумда Баҳром Ҳакимов шоғирдлари жасорат кўрсатишди, десак хато қилмаган бўламиз. Улар чорак финалда «Нефтчи» жамоаси устидан ишончи галабага эришдилар. Ярим финалда эса кубок уйларининг «пир» ҳисобланган «Навбаҳор» ҳам мағлуб этилди. Қолаверса, миллий чемпионатда чемпионликдан даярли умидини узиб бўлган Баҳром Ҳакимов бор кучини кубокка ташлаш таяин.

Шу ўринда икки рақиб жамоанинг кубок уйлариди бир-бирлари билан илгари ҳам бир неча бор учрашганларига тўхталиб ўтсак. Бундан икки йил илгари айнан шу жамоалар ярим финалда тўқнаш келгандилар. Ушанда пойтахтдан 0:0 ҳисоби билан қайтиб кетган қаршиликлар ўз уйида 2:2 ўйнашгани, «Насаф» жамоаси ўз майдониди ўтказиб юборган тўпларни эвазига финалга ниқа олмагани. Оранан бир йил ўтиб эса уларини финалда йўл олтишга яна пахтакорликлар тўқнаш қилди. Демак, Баҳром Ҳакимов шоғирдларига ўларини намоен этиш учун қўлай фўрсаат етиб келди. Лекин буни қаршиликлар улдлай олишармикин?

Дилмурод ПАРПИЕВ, «Халқ сўзи» муҳбири

Озода масъулиятдан озод эмас, лекин...

Газетамизнинг шу йил 15 июль сонидида «Озода масъулиятдан озодми?» номли таъкидий мақола босилиб чиққан эди. Унда таъкидий хонанда Озода Нурасулдони Сурхондарё вилоятининг Узуи туманида таъкидий қилинган концертта 4 соат кечкиб боргани, Шўрчи ва Денов туманларида эса умуман бормаганлиги айтиб ўтилган эди.

режалаштирилган. Эртасига яна икки жойда шундай концертлар. Устига-устак бериладиган жойларнинг оралиги 50-60 километрге боради. Камита таъкилотчилик яхши эмас. Шундай бўлса ҳам халқни ўйлаб, «Учта концерт дегандинглар, бешта концерт режалаштирибсизлар, майди, аммо

ман», деган одам эса, уялмай, «Сенларни деб 300 доллар сарфлаб қўйганман, шонилман!» деди. Хуллас, биринчи концерт 4 соат кейин бошланди. Сўнг Денов ва Шўрчи туманларида йўл олди. Афсуски, таъкилотчилардан бирор-бирини ҳам концерт буладиган жойдан тополмадик: билетларни сотиб, пулларни олиб жуфтаскин роллаб қолтишди. Шундай қилиб, табарруқ даргоҳнинг номини сотиб, «Ўзбекнаво»данман», деган учта фирибарнинг гапларига лаққа тўшиб муҳлисларим олдиди юзим шувит бўлди.

Газетада босилгач

ҳужжатларни расмилаштирилди,» дедим. «Кейин, кейин!» дейишди. Концертни бошлаш, ўтказиш вақтлари билан ҳам ҳеч кимнинг иши йўқ. Таъкилотчилар ҳаммаси кассадан бери келмайдилар. Норозилик билдиларди. Чунки концерт вақтида бошланмаса халқ мени айбарди-да. Олимжон пинак бузамай, «Анча-мунча сарф қилиб қўйганмиз, пулимизни чиқариб олишимиз керак!» деди. «Ўзбекнаво»дан Бахтиёр-

ман», деган одам эса, уялмай, «Сенларни деб 300 доллар сарфлаб қўйганман, шонилман!» деди. Хуллас, биринчи концерт 4 соат кейин бошланди. Сўнг Денов ва Шўрчи туманларида йўл олди. Афсуски, таъкилотчилардан бирор-бирини ҳам концерт буладиган жойдан тополмадик: билетларни сотиб, пулларни олиб жуфтаскин роллаб қолтишди. Шундай қилиб, табарруқ даргоҳнинг номини сотиб, «Ўзбекнаво»данман», деган учта фирибарнинг гапларига лаққа тўшиб муҳлисларим олдиди юзим шувит бўлди.

Тахририятдан: Аввало, Озодахоннинг таъкилотчиликни тўғри қабул қилгани, тан олгани яхши. Аммо масаланинг бошқа томонлари ҳам бор.

Жазирама иссиқда ўларнинг ҳалол пулларига чипта сотиб олиб, севимли хонандасини қўта-қўта асаблари бузилган оддий одамларда нима айб? Улардан йилгилан пуллар кимларнинг чўнтагини қалпайтирмоқда? Шаҳар бедарвоэа эмас, деган гап бор. Бир гуруҳ фирибарлар машур хонандани Сурхондарёга олиб боришганидан, унинг концерт бераётганидан виллоятдаги шу соҳага мутасадди ходимлар наҳотки беҳабар адилар? Еки виллоятга кимлар келиб-кеттишга, одамларнинг ризқ-рузига чангал солишига улар шунчалар бепарвомирлар? Қолаверса, Шўрчи ва Денов туманлари хоҳимликлари ходимларидан бирортаси, «Туманимизда шундай катта тадбир бўлапти экан, ҳужжатларни қўрайлик, таъкилотчилар билан танишайлик», деб андак масъулиятни хис қилишмаган?

Тахририятимизга келётган мактублардан маълум бўлишича, бошқа таъкидий хонандалар билан ҳам қўқориди каби кўнгилсизликлар содир бўлмоқда. Масалга атрофлича қаралмаса, сохта «Ўзбекнаво»чилар билан тегишли ҳўқўқ-тартибот органларидаги масъул ходимлар жиддий шугулланишмаса, воқеалар яна такрорланиши, шубҳасиз.

Хурматли харидорлар! Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида кузги-қишки мавсумий енгилсаноат маҳсулотларининг кўрғазмали ярмарка савдоси давом этмоқда.

Advertisement for a fair selling goods from Qoraqalpog'iston, regions, and Tashkent. It includes images of people shopping and various goods like clothing and household items.

Table listing various goods and services available at the fair, categorized by region and dates. Includes items like furniture, electronics, and household goods.

«ЎЗБЕКСАВДО» акционерлик компанияси. Ярмаркага марҳамат!

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирулар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ. Тахрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб) — «Халқ сўзи»; П. Доғай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир урибосари) — «Халқ сўзи»; Л. Кучеренко, М. Мираллиев, С. Мухомидов, Ш. Ризаев, А. Сайдов (масъул котиб) — «Народное слово»; М. Сафаров, И. Ўзбосаров, О. Қашбергенов (бош муҳаррир урибосари) — «Народное слово»; А. Ҳайдаров, Ҳ. Ҳошимов.